



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOĞ'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 23 yil "09" mart

№ 44

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси, штат бирликлари ва низомларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг вақтинчалик тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати штатлар бирликлари 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тузилмалари 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси штат бирликлари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Низоми 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг низомлари 6–19-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазир ўринбосари О.Фазилкаримов, Иқтисодиёт, таҳлил ва нархларни шакллантириш бошқармаси (С.Максудов), Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (Ш.Мамажонов), Бухгалтерия ҳисоби бўлими (С.Исломов) бир ҳафта муддатда мазкур буйруқнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

марказий аппарати бўлинмаларининг штатлар жадвалини ишлаб чиксин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига киритсин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармалари бошлиқлари бир ҳафта муддатда мазкур буйрукка мувофиқ тегишли штатлар жадвалларини ишлаб чиқиб тасдиқласин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Вазир ўринбосарлари (Э.Баситханова, У.Сабилов, О.Фазилкаримов) Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (Ш.Мамажонов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибий тузилмалари раҳбарлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** янги штатлар жадвалига мувофиқ вужудга келадиган бўш лавозимларни юқори малакали, замонавий фикрлайдиган ва ташаббускор кадрлар билан жамлаш чораларини кўрсин.

5. Вазир ўринбосарлари (Э.Баситханова, У.Сабилов, О.Фазилкаримов) Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (Ш.Мамажонов), Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармалари бошлиқлари технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши ёхуд меҳнат шартлари ўзгариши муносабати билан ходимларга меҳнат қонунчилигига асосан белгиланган тартибда огоҳлантириш хатлари берилишини таъминласин.

6. Вазир ўринбосарлари (Э.Баситханова, У.Сабилов, О.Фазилкаримов) Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (Ш.Мамажонов), Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари **икки ҳафта муддатда** бошқарув ходимларининг тузилмаларга юклатилган функционал вазифаларидан келиб чиқиб, тегишли тузилмалар ходимларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиксин ва тасдиқлатиш чораларини кўрсин.


7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О.Фазилкаримов ҳамда вазир котибияти зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Иноятлов

**Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош
бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари
ТУЗИЛМАСИ**



Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмалари номи ва штатлар бирликлари

№	Худудлар номи	Жами	шў жумладан																		
			Вазир, бошқарма бошлиғи	Вазирнинг, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари	Вазир, бошқарма бошлиғи ўринбосари	Тиббий ёрдамни ташкиллашти- риш бўлими	Оналар ва болаларга тиббий ёрдамни ташкиллашти- риш шўъбаси	Ўалқаро ҳамкорлик шўъбаси	Дори воситалари ва тиббий жирҳрозларга бўлган ақтиёжни шақллантириш шўъбаси	Молия- иқтисод шўъбаси	Ички аудит шўъбаси	Инфратузилмани ривожлантириш ва инвестицион лойиҳаларни жорий қилиш ва мониторинги шўъбаси	Давлат-хусусий шерилик, хусусий секторни ва тиббий туризмни ривожлантириш шўъбаси	Тиббий ёрдам сифати назорати шўъбаси	Девонхона	Инсон ресурсларини ривожлантири- ш ва бошқариш шўъбаси	Бош юрисконсулт	Иккинчи бўлим	Стратегик ривожланиш ва статистика шўъбаси	Мурожаатлар ва тахлил шўъбаси	Жамоатчилик билан алоқалар шўъбаси
1	Қорақалпоғистон Республикаси	32	1	1	2	6	1	1	1	2	2	2	2	2	1	2	1	1	2	1	1
2	Анджон вилояти	32	1	1	2	6	1	1	1	3	2	2	2	2	1	2	1	1	1	1	1
3	Бухоро вилояти	29	1	1	2	5	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
4	Жиззах вилояти	28	1	1	2	4	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
5	Қашқадарё вилояти	31	1	1	2	5	1	1	1	2	2	2	2	2	1	2	1	1	2	1	1
6	Навоий вилояти	27	1	1	2	3	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
7	Наманган вилояти	29	1	1	2	5	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
8	Самарқанд вилояти	32	1	1	2	6	1	1	1	3	2	2	2	2	1	2	1	1	1	1	1
9	Сурхондарё вилояти	29	1	1	2	5	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
10	Сирдарё вилояти	27	1	1	2	3	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
11	Тошкент вилояти	32	1	1	2	6	1	1	1	3	2	2	2	2	1	2	1	1	1	1	1
12	Фарғона вилояти	32	1	1	2	6	1	1	1	3	2	2	2	2	1	2	1	1	1	1	1
13	Хоразм вилояти	28	1	1	2	4	1	1	1	2	2	1	2	2	1	2	1	1	1	1	1
14	Тошкент шаҳар	32	1	1	2	6	1	1	1	2	2	2	2	2	1	2	1	1	2	1	1
Жами		420	14	14	28	70	14	14	14	32	28	21	28	28	14	28	14	14	17	14	14